

ИНСОНЛАРДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ МУЪХИТНИ ШАКЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

Сайдуллаев Шохрухбек Шукурулло ўғли

E-mail: shoxruxsaydullayev2305@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида унга тусқинлиқ қилувчи, адоватни, урушни тарғиб қилувчи диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, бу соҳада олиб борилаётган чора тадбирлар, диний экстремизм ва терроризмнинг Ўзбекистон Республикасида содир этган каршилик харакатлари ҳақида мақоламиизда тўлиқроқ маълумот берилади.

Калит сўзлар: демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, диний экстремизм, терроризм, террор, иммунитет.

СОЗДАНИЕ СРЕДЫ ПРОТИВ РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА И ТЕРРОРИЗМА СРЕДИ ЛЮДЕЙ – ПОТРЕБНОСТЬ ВРЕМЕНИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье в процессе становления демократического правового государства и формирования гражданского общества борьба с религиозным экстремизмом и терроризмом, подавляющим его, пропагандирующим вражду и войну, рассматриваются меры, принимаемые в этой области, а также меры противодействия религиозному экстремизму. экстремизм и терроризм в Республике Узбекистан приведены в нашей статье.

Ключевые слова. демократическое правовое государство, гражданское общество, религиозный экстремизм, терроризм, террор, иммунитет.

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштиришнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Республикамиз аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барваҳт аниқлаш ва уларни олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-

тадбирларни тизимли равища амалга ошириш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири хисобланади. Аммо бу тинчликни кўролмаётган, тез суратлар билан ривожланиб келаётган жонажон Ўзбекистонимизнинг ривожланишига тусқинлик қилувчи, жамиятда бекарорликни келтирию чиқариш, аҳоли кенг қатламлари орасида қурқув ва вахима уйғотишга харакат қилаётган кучлар афсуски йуқ эмас. Бу харакатлар туб маъзмунида динни ниқоб қилиб ҳокимиятга эришиш мақсади ётади. Яъни сиёсий ҳокимиятга келишнинг бир усули десак муболага бўлмайди. Бу харакатларни диний экстремизм ва терроризм ғоялари ётади.

Терроризм – жамиятда бекарорликни келтириб чиқариш, аҳоли кенг қатламларида вахима ва қурқув уйғотишга фаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин руҳдаги ташкилотлар томонидан бекарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятни эгаллаш мақсадида амалга оширилади. Террорчи гурухлар жамиятда аҳолининг кенг қатлами номидан харакат қилаётгандек таасурот уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар. Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири ушбу харакат тарафдорларининг “Куч ишлатиш ва зўравонлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади”, деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларидир. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, демократик институтлар фаолият кўрсатаётган, тинчлик ҳукмрон жамият шароитида муқобил усувларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади.

Ўзбекистон мустақиликка эришгач, мазкур ҳудуд турли манфаатдор кучларининг нишонига айланди. Сиёсий мақсадларни дин ниқоби остида амалга оширишга интилевчи диний-экстремистик ва террорчилик гурухлари минтақага суқилиб киришга ҳаракат қилдилар. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш учун мустаҳкам асосга эҳтиёж сезилди. 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Конунийнинг қабул қилиниши давлатимиз суверенитети ва халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиётига катта таҳдид солувчи терроризмга қарши кураш борасида катта қадам бўлди”

Терроризм¹(лотинча “қўрқитиш”, “ваҳимага солиш”) – аҳолининг кенг қатламларида вахима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди. Бундай шаклда у халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган

¹ <https://religions.uz/news/detail?id=391>

қўпорувчилик сифатида намоён бўлмоқда. Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриялар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Экстремизм² (Лотинча – ўта, кескин деган маъноларни англатади) – сияsatда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда ҳаракат ва қарашларга асосланган фаолият юритиш. Экстремизмнинг сиёсий ва диний қўринишлари ёққол ажralиб туради. Сийсий экстремизм намоёндалари ўзларининг ғаразла мақсадларига эришиш учун куш ишлатар усулдан фойдаланадилар, мавжуд сийсий тизимнинг барқарор ишлашини бўзиш ва ёқотишга ҳаракат қиласди. Бу йулда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” никоби остида баландпарвоз шиорлар, шақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатларини қуллаб қуватлайдилар.

Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичлариdir.

Диний-экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосийси сабаби мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан кетиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмаслиқда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам диний экстремистик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бу каби диний-экстремизм ва терроризм ўз ҳам ўз аксини кўрсата бошлади. 1999 йил 16-февралда Тошкентдаги портлашлар, 2005 йилнинг 13-майидаги Андижон воқеалари шулар жумласидандир. 1999 йил 16-февралда Тошкентда, шу жумладан Мустақиллик майдонидаги хукумати биноси ёқинида бир қатор кушли портлашлар содир бўлди. Расмий маълумотларга кўра, 13 киши ҳалоқ бўлган, 100 джан ортиқ одам жарохат олган. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов терактнинг диний экстремистлр томонидан ўюштирилганлигини, уларнинг мақсадларидан бири унинг хаётига суйиқасд уюштиришдан иборат бўлганини таъкидлаганлигини эълон қилган “Gazeta.uz” ўз янгиликларида.³

Ушбу динни никоб остига олиб, ўз мақсадларига эришиш йулида хеч нарсадан қайтмайдиган диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш,

² <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstremizm>

³ <https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>

фуқароларда ушбу иллатларга қарши мухитни шакллантириш давр талабига айланиб бормоқда. Уларга қарши курашда биринчи навбатда ахолида улар туғрисида ахборотга эга бўлиш, улардан хабардор бўлиши лозим. Тепадаги айтиб ўтилган воқеаларга содир бўлишига давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки даврларда эски тузимдан қолган ахоли диний фонднинг пастлиги ва бошлиқлар сабаб бўлган. Шу сабабли давлат тизиминии амалга ошириш жараёнида таълимга кушли эътибор каратилиб, мактаб дарслекларида хам уқитила бошлади. Ёшларнииг таълим олиши, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида чора тадбирлар амалга оширилди. Ички ишлар органларида хам ушбу фаолиятни жиддий топчириқлар белгиланиб, чора тадбирлар белгиланиб олинрди. Хусусун, хзирги кунда махалла хукуқ-тартибот масканида фаолият юритувчи профилактика инспекторлари ушбу фаолият буйича вазифалари қонунчилик томонидан белгилаб берилди. Биринчи навбатда, тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш жараёнида хам ушбу мавзуда олиб борилиши белгилаб қуйилди. Бундан кузланган мақсад жамиятимизда диний екстремизмга ва терроризмга карши мухитни шакллартириш, фуқароларда фикрларнинг ушбу мавзуда фикрлаш дунёсини кенгайтириш каби вазифалардан иборат. Мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-хукуқий ва моддий шароитлар яратилаётган бир пайтда ушбу юкорида айтиб ўтилган масалалар ҳамда уларга қарши мухитни шакллантириш буйича фуқаролик жамияти институтлари хам ўз хиссасини қушмоқда. “Касални даволагандан кўра, уни олдини олингани авзал” деган халқ мақоли бежизга айтилмаган. Тошкент ва Андижонда бўлгани каби янги холатларнинг олдини олиш ва ушбу холатлар юз бериши учун имкон берувчи шарт-шароитларни олдиндан бартараф етилиши лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. <https://arxiv.uz/uz/documents/kurs-ishlari/huquqshunoslik/u-u-iy-davlat-tushunchasi-va-tarifi-1>
2. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
3. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
4. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
5. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
6. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstremizm>
7. ¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқароларҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони.
10. Фуқаролик жамияти. https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik_jamiyati